# ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН КУРАШ

(Бошн. 1-бетда).

ҳаётий манфаатларига айниқса тааллуқлидир. Бу жараёнга жамиятнинг энг кенг табақаларини жалб қилиш, уларни имкони борича яхшироқ қатнаштириш, улар қийинчиликлар бўлишини англаган ҳолда бу ишга бош қўшишларига интилиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, илк босқич — бозорга ўтиш босқичи керак. Бозорнинг ўзи беш-ўн йил мобайнида узил-кесил шаклланади. Аввал бозор пайдо бўлади, сўнгра у шаклланади. Бозорга ўтиш жараёни, бир томондан, эҳтимол тутилган хатоликлардан ҳимоя қиладиган, иккинчи томондан эса, ўтиш режимини таъминлайдиган воситаларни талаб қилади. Агар биз бозорга ўтишни чўзиб юборсак, буни укубатли жараён қилиб қўямиз. Ҳар ҳолда бозорга ўтиш жараёни юришиб кетиши, бозор воситалари ҳаракатта келиб, кенг ёйила бошлаши учун вақт керак.

Олий Совет жуда хилма-хил фикрларни ифодалаб, бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалар мажмуини ҳар томонлама кўриб чиқди. Бироқ иш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Мунозарада ўтиш босқичидаги муаммоларни ҳал этишга ёндашувлар жуда ўхшашлиги ҳақли равишда таъкидланди. Шундай бўлса-да, биронта лойиҳа узил-кесил қабул этилиши мумкин эмас — мен сизларнинг фикрингизни шундай тушуняпман. Бу ҳам равшан. Биронта лойиҳа ҳам ўтмайди. Бу нима —фожиами? Йўқ. Менимча, муқобил лойиҳалар пайдо бўлганлиги, кўп миқдордаги ахборот борлиги, сизларнинг фикрингиз кўпгина нусхалар негизида вужудга келганлиги жуда соз, деб ўйлайман. Президент ва ҳукумат тақдим этган лойиҳалар, муқобил лойиҳа, шунингдек депутатлар ва комитетларнинг катта, муҳим таклифлари шундай фикрни юзага келтирди: Президент тақдим этган лойиҳани асос қилиб олиб, ягона лойиҳа тайёрланиши керак. Айни вақтда уни ҳукумат дастурида баён этилган таклифлар билан имкони борича бойитиш лозим. Кўп ўртоқлар шу ҳақда гапиришди.

Буларнинг ҳаммасини тўғри деб ҳисоблайман, ҳали биз жумҳуриятлардан кўп материал оламиз. Кеча жумҳуриятларнинг вакиллари Сиёсий бюронинг мажлисида эрталабдан то кеч соат 10 гача шу масала хусусида мунозара қилишди, ҳозир ҳамма шу масалага қизиқмоқда. Жумҳуриятларда давом этаётган жараёнларга қараганда, ҳали Олий Совет ихтиёрига жуда кўп муҳим қўшимчалар тушади. Демак, пировард натижада мана шуларнинг ҳаммаси ягона бир ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тўғри йўлни танлаб олиш имконини беради.

Бироқ, ўртоқлар, лойиҳани қабул этишимизни кутиб турмай олға интилиш ва ҳаракат қилиш керак. Депутатлар бозорга ўтиш дастурини амалга оширишни кўп миллатли давлатимизнинг тақдири билан, унинг келажаги билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Айниқса иттифоқ шартномаси муносабати билан биз шуни доимо эсда тутишимиз керак.

Дабдабали сўзлар айтиб хаёлотга берилиш — шу жараёнда қатнашганлар ранжимасинлар — умуман олганда кўп миллатли давлатимиздаги бундан буёнги ўзгартишлар жараёни учун қудратли омилдир. Бироқ, дабдабали сўзлар айтадиган вақт ўтди, ҳаёт давом этмоқда. Зеро мен бозорга ўтиш дастурини ишлаб чиқиш чоғида, бошқа масалаларни муҳокама қилиш вақтида шу нарса равшан бўлаётганини: одамлар ҳақиқий аҳволни пайқаб, биз мана шу вазиятдан қутулиб, олға ҳаракат қила олишимизни фаҳмлаётганликларини кўриб турибман. Бироқ иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий ва инсоний жиҳатдан ҳам бузғунчиликдан иборат бўлган ғояни ўртага ташлаётганлар ҳам бор. Мана, молдовалик дўстлар ўтиришибди, улардан баъзилари билан суҳбатлашганман. Сиёсатдаги хатолар, янглишишлар шунга олиб келдики, энди, умуман олганда, ихчамгина, жуда жўшқин, бирлашган ва ўзаро боғланган шу жумҳуриятнинг яхлитлиги хавф остида қолди.

Молдовада қабул этилган декларацияда Молдова Совет Иттифоқида қолиши ҳақида гапирилмаганлиги, балки ҳамдўстлик ёки шунга ўхшаш бирон-бир нарса ҳақида гапирилганлиги оқибатида, мана шунинг таъсирида бўшашувчанлик, ташвиш ва безовталикнинг кучайиши жараёни бошланди. Ўша пайтда мен Қримда эдим. Кўпдан-кўп телеграммалар олдим.

Мен сизларга ва бутун малакатга ишонч билан гапираяпман: Бу — ҳалокатли йўл бўлади. Лоақал мудофаамизни олиб кўринг, нима, биз ядро қуролига эга бўлган 15 та давлатни ҳосил қилишимиз керакми? Бу нарса бутун жаҳон ҳамжамиятининг этини жимирлаштириб юборади. Биз — жамиятимиз барча соҳаларини ўзгартиришнинг тўғри йўлидан боряпмиз. Бироқ шу ўзгаришларни қилган пайтда тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйиб юбориладиган чегарани фаҳмлаб олмоқ керак. Мен яна бир бор қатъий қилиб айтаман: ҳа, мен иттифоқ тарафдориман. Бир-бири билан жуда чамбарчас боғланган, ҳамкорлик қиладиган, ўзларининг аниқ белгиланган ваколатларига эга бўлган, самарали ишловчи марказ ва жумҳуриятлар бўлган мустақил давлатлар иттифоқи тарафдориман. Ҳаддан ошиш йўли билан биз масаланинг ечимини топа олмаймиз.

Яна бир гап. Бозорга ўтиш жамиятдаги сиёсий барқарорлик билан, ҳокимият ва бошқарув органларининг фаолияти билан бевосита боғланган. Масалани мана шу тарзда қўйиш асосли деб ҳисоблаб келдим ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайман. Биз, ким томонидан бўлмасин, ҳокимият ва бошқарув системасини ағдар-тўнтар қилиш ғоясини қатъиян рад этишимиз керак, мен бундай ёндашувга қатъиян қаршиман. Бироқ ҳақиқий вазият — бозорга ўтиш ҳокимият ва бошқарув воситасига зарур тузатишлар киритишни долзарб масала қилиб қўймоқда. Бизда бу жараённи сиёсий маданият доирасида ўтказиб, ҳамма масалаларни масъулият билан ҳал қилиш учун барча воситалар мавжуд. Биз ҳамма нарсани ҳеч кечиктирмай пухта ўйлаб қиламиз. Буларнинг ҳаммасини ҳал этса бўлади. Ҳозир ислоҳотнинг фақат биринчи босқичида турибмиз, ҳал қилувчи босқичда эса бу ишни чуқурлаштиришимиз, жипслашишимизни хоҳлайман. Халқ айни мана шу ёндашувни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман. Ҳали халқ биздан жамиятда, айниқса ижтимоий-иқтисодий соҳада барқарорлашув йўлида амалий ҳаракат қилишимизни кутиб турибди.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши жамоатчиликнинг ўзбек театр санъатининг атоқли арбоби, СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги истакларини ҳисобга олиб ва у туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан «Ёш гвардия» ўзбек драма театрига СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов номини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди бу театр Аброр Ҳидоятов номли ўзбек драма театри деб аталади.

* * *

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши А. Н. Островский номли Тошкент давлат театр-рассомчилик институти профессор-ўқитувчилари, бадиий зиёлилар, жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон миллий санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган театр санъатининг атоқли арбоби Маннон Уйғур хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги истакларини эътиборга олиб, А. Н. Островский номли Тошкент давлат театр-рассомчилик институти номини ўзгартириш, уни Маннон Уйғур номли Тошкент давлат институти деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

# ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

## ЯНГИ ҲОСИЛДАН ПАХТА ЁҒИ

Урганч ёғ-мой комбинатида 1990 йилда етиштирилган пахта чигитидан дастлабки туркум ёғ тайёрланди.

Корхона жамоаси мавсумга олдиндан тайёргарлик кўрди: ускуналар ремонт қилинди, сменалар мутахассислар билан тўлдирилди. Ёғ ишлаб чиқарувчилар асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратмоқдалар. Улар ҳар тонна чигитдан 190 килограммдан — нормада белгиланганидан 15 килограмм кўп тозаланган ёғ олишмоқда. Бир кеча-кундузда эса бу ерда 800 тонна чигит қайта ишланади.

Иш юритишнинг янги шакли ҳам жамоа ишининг бир маромда бориши учун омил бўлмоқда. Эндиликда комбинатнинг барча бўлинмалари хўжалик ҳисобига ўтган, меҳнат учун ҳақ пировард натижага қараб тўланмоқда. Ишчилар юқори сифат ва пландан ташқари тайёрланган маҳсилот учун катта пул мукофоти олишмоқда.

Урганч ёғ-мой комбинатининг жамоаси бу йил етиштирилган пахта ҳосилидан олинган 200 минг тоннадан кўпроқ чигитни қабул қилиш ва қайта ишлаш ниятида.

## ШАҲРИСАБЗ «САЛЮТ»И

**Жумҳурият маҳаллий саноат вазирлигининг Шаҳрисабз мебель фабрикасида «Салют» деб аталган ёшларнинг ашёлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу ашёлар учта жавондан иборат. Нархи ҳам қиммат эмас, у шу жиҳати билан харидорларни ўзига жалб қилмоқда. Ёғочсозлик материаллари мунтазам равишда етказиб берилса, у ҳар йили бундай маҳсулотдан мингта тайёрлаши мумкин.**

**Яқин-яқингача Шаҳрисабз мебелчиларининг маҳсулоти жуда жўн, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши даражасида эди. Корхона реконструкция қилинганидан кейин кўп нарса ўзгарди. Бу ерда Москва, Белоруссия ва Украина заводларида тайёрланган замонавий технология ускуналари ўрнатилди. Германия Федератив Жумҳуриятидан келтирилган дастгоҳлар ҳам бор. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш натижасида сайқал берилган мебелларни ҳам тайёрлаш учун имконият пайдо бўлди.**

**Маҳсулот хиллари кўпайтирилганлиги сабабли Шаҳрисабз мебелчиларининг маҳсулотига бўлган эҳтиёж кескин ортди. Илгари чорак миллион сўмлик буюртма олинган бўлса, ҳозир улар сони тўрт баравар кўпайиб кетди.**

## «ҚАЛИН ҚАТЛАМ» ЯНА ИШЛАЙ БОШЛАДИ

«Ангрен» кўмир кони яқинида жойлашган «Қалин қатлам»да қирқ йиллик танаффусдан кейин яна кўмир қазиб олина бошланди. Кўмирни бу ерда «Қизил қум» кончилик ширкати ходимлари қазиб олишмоқда.

Бу ерда кўмир сифатининг унча яхши эмаслиги ва шу жойдаги рельефнинг мураккаблиги туфайли 1950 йилда кўмир қазиб олиш ишлари тўхтатиб қўйилган эди. Чунки кўмир қатлами Новгарзонсой Оҳангаронга қуйиладиган жойда жойлашган. Лекин ҳар қалай мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари «қалин қатлам»нинг қалинлиги 30 метрга етишини ҳамда у яна бир неча йиллар мобайнида камёб ёқилғи бера олишини кўрсатди. Кўмир сифатига келганда эса, у Ангренникидан деярли қолишмайди.

Кўмир кондан бетўхтов олиб кетиб турилиши учун бу ерда уч юз метрли кучли конвейерлар ўрнатилган. Сентябрь ойининг ўрталаридан бошлаб бу ердан қазиб олинган ёқилғи истеъмолчиларга мунтазам равишда юборилмоқда.

## ТАВАККАЛЧИЛИК

**Қаршидаги омонат банки ходимлари «таваккалчилик зонаси»га тушиб қолишди — бу ерда харидоргир моллар—холодильниклар, рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, кичик тракторлар сотиб олиш учун чиқарилган аниқ бир мақсадга мўлжалланган процентсиз давлат заёмлари облигацияларини сотиш барбод қилинмоқда.**

**Вилоят маркази аҳолиси фақат енгил автомашиналаргагина қизиқиш билдирди. Бундай заёмларни олишни истовчилардан банкка етти юз минг сўмдан кўпроқ пул тушди. Аҳолида пул жуда кўплаб ғамлаб қўйилганлигига қарамай, ўша омонат банкда 2 миллион сўмлик облигация сотилмай қолиб кетди.**

**Бунинг сабабларидан бири банк ходимларининг фаолиятсизлигидир. Улар реклама имкониятларидан фойдаланмадилар, шусиз ҳам ишлар юришиб кетади, деб ўйладилар. Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти арафасида банк хизматчилари ташаббус кўрсатишлари кераклиги шундоққина кўриниб турибди. Боз устига бу амалга оширса арзийдиган иш: уч йилдан сўнг аҳолини тақчил маҳсулотлар билан таъминлашга кафолат берилади, заём сотишдан тушган пуллар халқ учул моллар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантиришга сарфланади.**

## ТАНҚИС БЎЛМАЙ ҚОЛДИ

Пишиқ ғишт тайёрлаш учун мўлжалланган қурилмалар «Узсоюзкоопагрострой» бирлашмасида танқис бўлмай қолди.

«Узсоюзкоопагрострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба механика заводи бу техникани кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Корхона жамоаси учун янги бу иш фойдали бўлиб чиқди. Заводга жуда кўплаб буюртмалар тушди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлашга кафолат беради. Корхона вакиллари қувватларни ошириш мақсадида чет эл фирмалари эгалари билан қўшма корхона барпо этиш тўғрисида музокаралар ўтказишди.

Янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилиши билан ишчиларнинг ўзларида ҳам меҳнатлари натижасидан манфаатдорлик ошди. 17 та комплекс бригада тўла хўжалик ҳисобида ишламоқда. Ўтган йили бу ерда бир қанча рационализаторлик таклифлари жорий этилди. Улар 50 минг сўмлик иқтисодий самара берди.

## ЭҲМНИ... ИШГА ОЛИШДИ

**Иккита электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш натижасида илгари газламани бичишда банд бўлган ҳисобчи ходималар сонини икки баравар қисқартиришга имконият туғилди. Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикасининг тайёрлов цехида ана шу машиналар ишга туширилди. Электрон-ҳисоблаш машиналари бундан ташқари ҳар йили 30 минг пагон метр турли газламаларни тежаб қолишга ёрдам беради, улардан эркакларнинг ўн тўрт минг дона хушбичим кўйлакларини тикиш мумкин.**

**Бундай «ақлли машиналарни» Тошкент политехника институтининг мутахассислари ўрнатиб, одамларни унда ишлашга ўргатишди. Электроникани ишлаб чиқаришга жорий этишга сарфланган барча харажатлар бир йил ичида қопланади.**

**Корхонада бу йил яна битта техника янгилиги жорий этилди: еттита цех ва хизмат хоналарига фабрика телевидениеси ўрнатилди, бу маъмуриятга тикувчиларнинг меҳнатини ташкил этишга тезроқ раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва унга тузатишлар киритиш имконини берди.**

## СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

Қоғоз танқислиги жумҳуриятда ўқувчилар учун дафтар ишлаб чиқарадиган ягона корхона — «Узбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги қоғоз фабрикасини ҳам четлаб ўтмади. Лекин хом ашё етказиб беришдаги қийинчиликларга қарамай, қарийб 800 киши ишлайдиган фабрика қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддаламоқда.

Саккиз ой якунларига кўра маҳсулот етказиб бериш ҳажми тўла бажарилди, пландан ташқари 10 дан зиёд номдаги 300 минг сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Жумҳурият савдо тармоғига қўшимча 4,4 миллион дона ўқувчилар дафтари етказиб берилди. Бу — чиқиндисиз технология жорий этилишининг натижасидир.

Фабрика ходимлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топишмоқда, келаси йил учун шартномалар тузиш юзасидан иш олиб боришмоқда.

## ФОЙДА ҲИСОБИДАН

**Ангрен керамика комбинати меҳнаткашлари эндиликда ишдан сўнг кимёвий тозалаш корхонасида, сартарошхона, омонат кассаларда навбатда туриш учун вақт сарфламайдиган бўлдилар. Корхона ҳудудида очилган маиший хизмат уйи меҳнаткашларга ўн хилдан кўпроқ йўналишда хизмат қилмоқда.**

**Ўзига хос услубда қурилган кенг ва ёруғ бинода кир ювадиган ва кимёвий йўл билан тезда тозалаб берадиган устахоналар ишлаб турибди, эркаклар ва хотин-қизларнинг сартарошхоналари, пойабзал ямаш устахоналари уларнинг хизматида. Бу ерда коммунал хизмат ҳақини ҳам тўлаш мумкин. Янги маиший хизмат уйининг қурилиши — комбинатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий бандларидан биридир. Уни бунёд этишга 100 минг сўмга яқин пул сарфланди. Бу маблағ комбинат беш йиллик бошлангандан бери ишлаб топган фойдадан олинган.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

## АҚШ БЎЙЛАБ САФАР

ВАШИНГТОН. Америка газеталари муҳаррирлари жамиятининг таклифига биноан Қўшма Штатларга борган СССР Журналистлар уюшмасининг делегацияси АҚШ пойтахти билан танишиб бўлиб, мамлакат бўйлаб сафарга чиқди. Делегацияга «Вечерняя Москва» газетасининг бош муҳаррири А. И. Лисин бошчилик қилмоқда. Делегация таркибида кўпгина совет жумҳуриятлари ва шаҳарларининг вакиллари бор.

Совет журналистлари Вашингтонда икки кун бўлган вақтларида АҚШ конгресси вакиллар палатасининг спикери Томас Фоли, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси ўринбосари Роберт Гейтс, федерал тергов бюросининг директори Уильям Сешен, Америка жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг намояндалари билан суҳбатлар ўтказишди. Совет Иттифоқилик меҳмонлар «Вашингтон пост», «Вашингтон таймс», пойтахтдаги бошқа газета ва журналларнинг редакцияларида америкалик қаламкаш касбдошлари билан учрашдилар.

Делегация Даллас, Чикаго, Нью-Йоркка ҳам боради.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

БУХАРЕСТ. «Эркин матбуот хартияси» — Руминия Бош министри П. Романга унинг журналистлар билан учрашуви чоғида топширилган ҳужжат шундай номланган. Учрашувда бутун Руминия матбуоти касаба уюшмалари федерациясининг, Руминия журналистлари уюшмаси ва иттифоқининг вакиллари иштирок этишди.

Ҳужжатда матбуот ходимлари дуч келаётган айрим долзарб иқтисодий, ижтимоий ва маданий муаммоларни ҳал этиш йўллари таклиф қилинган. Руминия журналистлари давлат ахборот олиш ва тарқатиш эркинлигига, ҳар бир фуқаро румин жамияти турмушининг ҳар қандай масаласи юзасидан фикр билдириши ҳуқуқига кафолат бериши лозим деб ҳисобламоқдалар. Маъмурларнинг матбуот эркинлигини чеклаш юзасидан бирон-бир тадбир қабул қилишига йўл қўймаслик зарур, деб таъкидланади ҳужжатда.

Суҳбат чоғида Руминия янги конституцияси қабул қилингунга қадар «Эркин матбуот хартияси» оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив ҳужжат бўлиб хизмат қила олади, деган фикр билдирилди. Ҳужжат қоидаларини мамлакатнинг бўлажак асосий қонунига қисман киритиш мумкин бўлур эди. Учрашув қатнашчилари мамлакатда мустақил радио ва телевизион студиялар ташкил қилиш тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўйдилар.

Мамлакат парламенти тақдим этилган ҳужжатни қабул қилмагани туфайли, у юридик мақомга эга бўлолмайди, деди Бош министр. Бироқ, ҳукумат ўзининг қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, матбуот тўғрисидаги қонун лойиҳасини парламентга тақдим этиши мумкин. Тез орада, деб таъкидлади П. Роман, мамлакат қонун чиқарувчи анжумани Руминияда мустақил телевидение барпо этиш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Бош министрнинг матбуот тўғрисида қонун қабул қилиш ҳақидаги таклифи учрашув иштирокчиларига турлича таъсир қилди. Уларнинг кўпчилиги ҳуқуқий давлатда бундай норматив ҳужжатнинг кераксизлигини таъкидлади. П. Роман яқин вақт ичида матбуот вакиллари ва конституцион ҳуқуқ соҳаси мутахассислари иштирокида шу масалани муҳокама этишни таклиф қилди.

## ЯНГИ ҲУКУМАТ САЙЛАНДИ

СОФИЯ. Буюк халқ Болгариянинг янги ҳукуматини яширин овоз бериш йўли билан сайлади. Ҳукуматнинг таркибини БХР Министрлар Кенгашининг раиси А. Луканов таклиф қилди. Овоз беришда парламентнинг 400 депутатидан 219 киши қатнашди. Оппозиция намояндалари овоз беришда қатнашишдан бош тортдилар. Белчо Белчев, Георги Пирински ва Нора Ананиева БХР Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосарлари этиб сайланди. Любен Гоцев ташқи ишлар вазири, Йордан Мутафчиев халқ мудофааси вазири этиб сайландилар.

Оппозициядаги демократик кучлар иттифоқи ва Болгария деҳқонлар халқ уюшмаси коалицион ҳукумат таркибига киришдан бош тортдилар, уларнинг депутатлари вазирлик лавозимларига кўрсатилган номзодлар муҳокамасини пайсалга солишга уриндилар. Янги ҳукуматнинг дастури йўқлиги, унинг таркиби тўлиқ эмаслиги асосий дастак қилиб кўрсатилди. Ҳукумат аввал сайланиши керак, Шундан кейин у жуда қисқа муддатда ўз дастурини ишлаб чиқиб, парламентга тақдим этади, деган гапни тушунириб беришга А. Луканов неча марталаб ҳаракат қилди. Шундай бўлса ҳам, сайлаш тартиб-қоидаси хусусида чиққан навбатдаги баҳслашувдан кейин демократик кучлар уюшмаси мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси П. Берон оппозициянинг иштирокисиз овоз беришни таклиф қилди.

Болгария социалистик партияси тарафдорларининг Болгария пойтахтида ўтказилган кўп минг кишилик митинг қатнашчилари А. Луканов таклиф қилган ҳукуматни қўллаб-қувватладилар. Биз мамлакатни бундан ортиқ ҳукуматсиз қолдира олмаймиз, деб таъкидлади митингда сўзга чиққан БСП Олий Кенгашининг раиси А. Лилов. Биз янги ҳукуматнинг инсоний тинчлик ва демократияга тинч ўтишни таъминлашидан, мамлакатимиз учун ҳаётий зарурат бўлган ислоҳотларни ўтказишидан умидвормиз, деди у.

## ТИЛ БИЛИШ КЕРАК

БЕРН. Швейцария парламентининг аъзолари парталарга ўтириб, чет тилларни ўрганиш билан жиддий шуғулланишларига тўғри келади. Ҳар ҳолда улар камида немис, француз ва итальян тилларини яхши билишлари керак. Ретороман тили билан бир қаторда улар Швейцарияда расмий тил ҳисобланади. Давлат арбобларини ўқитишга тегишли маблағ ажратган мамлакат ҳукумати ана шундай қарорга келди.

Тилларни ўрганиш заруратини шу нарса тақозо этмоқдаки, Швейцария кўп тилли мамлакат бўлиб, парламент депутатлари қарор топган анъанага мувофиқ одатда она тилида сўзлайдилар. Лекин амалда парламент аъзоларининг ҳаммаси ҳам бир-бирини тушунавермайди. Уларнинг билимлари кўпинча ресторанда қовурилган картошкадан иборат машҳур миллий таом «решти»ни буюриш билан чекланади (таомнинг немисча номи шундай), она тилидан бошқа тилларда гаплаша олмайдиган кишиларни ҳам «решти» деб аташади.

Депутат камида уч тилни билиши керак, деб ҳисоблашади Швейцария социал-демократик партиясининг вакиллари. Тегишли таклифни шу партия вакиллари киритишди, уни ҳукумат қўллаб-қувватлади. Ўқитиш учун ажратилган давлат маблағи парламентнинг ҳар бир аъзоси хусусий муаллимда 20 соат дарс олиши учун етиши керак. Фақат ресторан хизматчилари билан муомала қилиш учун эмас, балки парламент ишида фаол иштирок этишга имкон берадиган даражада тилни ўрганиш учун 20 соатлик курс етарли деб ҳисобланмоқда.

# СЎНГГИ СОАТДА

**БУДАПЕШТ.** **Бу ерда Венгрия парламенти конституция-ҳуқуқ комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ҳукуматнинг «сиёсий масъулиятни аниқлаш комитети»ни тузиш тўғрисидаги таклифи конституцияга зид деб топилди.**

**Парламент комиссиясида муҳокама қилиш учун юборилган ҳужжатда Венгриядаги ҳозирги мураккаб аҳвол учун собиқ партия, давлат ва хўжалик раҳбарларидан масъулият меъёрини аниқлаб берадиган махсус комитет тузиш таклиф қилинган эди. Шу комитет ўзининг иш тартибини ўзи белгилаши ва тегишли шахслар доирасини аниқлаб олиши лозим бўлур эди.**

**Парламент комиссиясининг аъзолари собиқ раҳбарларнинг сиёсий масъулиятини аниқлаш фақат давлат мажлисининг ҳуқуқ доирасига киради, деган фикрни якдиллик билан айтдилар.**

**Оппозициядаги партиялар вакилларининг фикрича, ҳукуматнинг ташаббусини қабул қилиш «алвасти излаш» сиёсатини қонунлаштириб, жамиятдаги муҳитни кескинлаштирган, қонунийликка риоя этилишига кафолат бермаган бўлур эди.**

* * *

**ВАРШАВА.** **Варшавада Польшадаги ижтимоий турмушни бутунлай динийлаштиришга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари—бир қанча ёшлар гуруҳларининг ва жамоат ташкилотларининг, шу жумладан Польша эркин фикрлаш жамиятининг аъзолари давлат мактабларида дин дарсини жорий қилиш тўғрисида маъмурларнинг қарори бекор этилишини талаб қилдилар. Улар ҳомиладорликни тўхтатишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасига ҳам қарши чиқдилар. Черков ва диний доираларнинг тазйиқи билан ишлаб чиқилган мазкур ҳуқуқий ҳужжат парламентнинг баъзи комиссияларида маъқулланган эди. Унда тақиқ бузилган тақдирда икки йил муддатга қамаб қўйиш билан жазолаш кўзда тутилади.**

* * *

**ПАРИЖ.** **Эндр ва Луара департаментидаги Жуэ-ле-тур шаҳарчасида бош вазир Мишель Рокар раислигида социалистик партия раҳбарларининг семинари яширин тарзда ўтказилаётган эди. Мингдан ортиқ деҳқон семинар ўтказилаётган бинони қуршаб олди.**

**Бу йил жуда қаттиқ қурғоқчиликдан энг кўп зарар кўрган шу департаментнинг деҳқонлари бош вазир келганлигидан фойдаланиб, унга ўз талабларини айтиш учун ҳукумат бошлиғи билан бевосита учрашишни истадилар.**

**М. Рокар улар билан мулоқот қилишдан бош тортди. Республика хавфсизлиги роталарининг 800 аскари билан 200 жандармчи деҳқонларнинг йўлини тўсди. Бундан ғазабланган деҳқонлар бинога кириш йўлларини тракторлар билан тўсиб қўйдилар. Семинар қатнашчиларининг бир қисми иккита вертолётда олиб кетилди. Давлат котиби Жорж Саррнинг машинаси оломон орасида юролмай қолганида, намойишчилар уни ағдариб ташладилар ва ёндириб юбордилар. Тартиб посбонлари кўзни ёшлантирувчи газ ишлатиб, намойишчиларни тарқатдилар.**

* * *

**ВАШИНГТОН.** **Оқ уйда ва АҚШ конгрессида бюджет камомадини қисқартириш мақсадида пиво, тамаки маҳсулотлари ва зеб-зийнат буюмларига солинаётган солиқни ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.**

**АП ахборот бошқармасининг хабар қилишича, маъмурият вакиллари ва конгресс иккала палатасининг раҳбарлари бюджет камомадини қисқартириш муаммосига иккала партиянинг ёндашувини ишлаб чиқиш мақсадида яширин учрашув ўтказмоқдалар. Улар солиқларни ошириш тўғрисида дастлабки аҳдлашувга эришдилар, шу йўл билан яқин беш йил ичида қўшимча равишда 59 миллиард доллар пул федерал хазинага тушади.**

* * *

**НЬЮ-ЙОРК.** **Нуфузли «Форчун» журнали ўтказган савол-жавоб маълумотларига қараганда, Қўшма Штатлардаги ҳозирги аҳвол яхшидек туюлаётган бўлса ҳам, аммо Қўшма Штатларда иқтисодий таназзул бошланай деб турибди. АҚШдаги кўпчилик йирик корпорацияларнинг бошлиқлари шу фикрни айтмоқдалар.**

**Одатга кўра, «Форжун» журналининг рўйхатига кирган 500 та энг йирик компаниянинг раҳбарлари шу тадқиқотда қатнашдилар. Улардан 71 фоизининг фикрича, Америка иқтисодиёти ҳозирнинг ўзидаёқ таназзул ҳолатида турибди ёки яқин ўн икки ойда шундай ҳолатга тушади. Бундан роса бир йил муқаддам мана шундай умидсизликка тушган кишилар қарийб икки баравар кам— 38 фоиз эди, деб таъкидлайди журнал. Ҳозирги вақтда «катта бизнес дарғалари»нинг 87 фоизи ўз корпорацияларининг келажак фаолиятини режалаштириш вақтида «таназзул тўғрисидаги гаплар»ни ҳисобга олаётганликларини айтмоқдалар.**

(ТАСС).

## ОЛИМЛАР ХУЛОСАСИ

ОТТАВА. Саскачеван вилоятидаги университет тадқиқотчилари сигарета чекиш эркакларга нисбатан аёлларнинг ўпкасини кучлироқ ва тезроқ шикастлашини аниқладилар. Доктор Ю Чен Канада врачлари қироллик коллежининг йиллик йиғилишида ана шу хулосалар ҳақида ахборот бериб, аниқланган фактлар ташвиш туғдираётганлигини, чунки чекувчилар қаторига аёллар тобора кўпроқ қўшилаётганлигини айтди. Ўпканинг эмфизема, бронхит, рак каби касалликлари чекиш билан боғлиқлиги кўпдан маълум.

Татқиқотчилар 25 ёшдан 59 ёшгача бўлган 1000 дан ортиқ эркак ва аёлни текшириш асосида шундай хулосага келдилар. Бундай текшириш Саскачеван вилоятининг қишлоқ районларидан бирида 1977 йилдаёқ бошланган эди.

Аёлларда ўпканинг шикастланиши жараёни нима учун тезроқ боришини мутахассислар ҳозирча изоҳлаб бера олмайдилар. Баъзи мутахассислар бунинг сабаби гармонал ёки генетик тусда бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бошқалар эса аёллар ўпкасида ҳаво ўтадиган шохобчалар эркаклардагига нисбатан анча тор, шунинг учун ҳам ҳаво йўллари тезда тўсилиб қолади, деган фикрни айтмоқдалар.

